

# Ўзбекистон АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ

ÖZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1999 йил

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

1956 йил 4 январдан нашр этила бошлаган

● 1 октябр, №40 (3526) ●


## ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИЛАРИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Муҳтарам муаллим ва мураббийлар!

Қадрли устозлар!

Сизларни умумхалқ байрами — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Дунёда ҳар қайси касб-ҳунарнинг ўзига хос ўрни, аҳамияти ва қадр-қиймати бор. Аммо уларнинг орасида энг улуғ ва шарафлиси, бу ўқитувчилик касбидир. Чунки муаллим ҳар биримизга сабоқ беради, ақл-идрокимизни юксалтиради, ҳаёт илмини ўргатади. Заҳматкаш устоз-мураббийларнинг меҳнат ва тарбияси туфайли қалбларимиз покланади, дилимизда олижаноб инсоний фазилатлар камол топади.

Шу боис барчамиз ўқувчилик йилларини ҳаяжон ва соғинч билан эслаймиз, меҳнаткаш ва меҳрибон устозларимизни ҳамиша эзгу сўзлар билан хотирлаймиз.

Устозни отадан улуғ деб билган маърифатпарвар халқимиз муаллим ва мураббий зотини ҳамиша ардоқлаб, уларнинг меҳнатини қадрлаб келади.

Ҳазрат Алишер Навоий айтганидек, бизга лоақал бир ҳарф ўргатган устознинг ҳаққини юз минг ганжу хазина билан ҳам узиб бўлмайди. Биз улардин умрбод қарздормиз.

Азиз муаллимлар!

Мамлакатимизда амалга оширилаётган тарихий ўзгаришларда, хусусан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этишда сизларнинг ҳиссангиз беқиёсдир.

Бу дастур мавжуд таълим-тарбия тизимини ўзгартирибгина қолмасдан, балки биз орзу қилаётган янги авлодни тарбиялайди.

Янги авлод деганда мен, аввало, ўзлигини теран англаган, улуғ мутафаккир аждодларимизнинг буюк ва бетакрор меросига муносиб ворис бўлган, шу билан бирга, илм-фан чўққиларини эгаллашда маърифий дунёда ҳеч кимдан қолишмайдиган навқирон фарзандларимизни назарда тутаман.

Ана шу авлодни тарбиялайдиган Миллий дастур энг катта орзу-умидларимизни, муқаддас интилишларимизни рўёбга чиқарадиган, ҳозирги ва келажак ҳаётимизнинг равнақини белгилаб берадиган асосий омилдир. Бу шарафли вазифа бугунги кунда жамиятимизнинг ҳар бир аъзосига, эркин ва фаровон ҳаёт қуришни кўзлаб яшаётган халқимиз зиммасига улкан масъулият юклайди. Лекин биринчи навбатда бу эзгу иш сиз каби маърфат фидойиларининг давлат ва халқ олдидаги муҳим ижтимоий ва инсоний бурчидир.

Мана шу улкан ва ўта масъулиятли вазифани адо этишингизда давлатимиз ва жамиятимиз муҳтарам муаллим ва мураббийларимизни эъзозлаш ва ардоқлашда, сиз азизларга муносиб шарт-шароит яратишда ҳеч қандай куч ва маблағни аямайди, деб ишонтиришга рухсат бергайсиз.

Азиз устозлар!

Сизларни байрамингиз билан яна бир бор чин дилдан қутлаб, барчангизга соғлиқ-омонлик, бахту саодат, шарафли ишларингизда муваффақиятлар тилайман.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

*Бугун — Ўқитувчилар ва мураббийлар байрами*

## ЭҲТИРОМ

Мустақил мамлакатимиз фазлу камоли, истиқлолининг амалдаги ифодасини биз бугун ҳар бир кунимизда, ҳар бир қадамимиз, ҳар бир олган нафасимиз, жон кўзию қалб қорачиғи ила кўриб, билиб, англаб яшамоқдамиз. Олам аҳли ҳам, башарият ҳам дунёда Ўзбекистон аталмиш гўзал, бетимсол юрт тобора қоматини тик кўтариб, юксалиб бораётганига гувоҳ бўлмоқда.

Барча соҳаларда, ҳамма жабҳаларда бўлаётган ўзгаришлар кўзни қувонтиради. Бу ҳуррият, бу озод Ватан ўз-ўзидан рўёбга келгани йўқ. Бунинг учун ҳаммамиз бирдек заҳмат чекмоғимиз, куйиб-куюнмоғимиз талаб этилади. Юртбошимиз тилидан, юксак минбарлардан янграган дастурий нутқларда ҳам бу ҳолат мудом, такрор ва такрор эътироф этиб келинаётгани ҳам бежиз эмас.

Биз озод ва обод Ватан қураётирмиз. Биз бу Ватан, бу юрт учун муносиб фарзандлар бўлмоғимиз лозимдир. Ёш авлод тарбиясига эътибор, юрт, истиқлол тақдирини, келажагини ишончли қўлларга топширмоғимиз ҳар биримизнинг фарзандлик бурчимиздир.

Ёш авлод деймиз, келажак деймиз, ғурур ва шону шавкатимиз деймиз. Ёш авлодни аввало уйида ота-онаси, сўнгра мактабда, илм масканларида муаллимлари тарбиялайди.

Муаллимлар. Устозлар.

Биз бугун олтин кузнинг олтин кунларида уларнинг, бу беназир, камсуқум зотларнинг эзгулик йўлида, таълим-тарбия довонларида оқарган сочларию, ўйчан юзларини эсламоқдамиз. Уларга ўз эҳтиромимиз, ўз табригу қутловимизни изҳор этмоқдамиз.

Дунёдаги энг оғир касб — муаллимлик. Биз шу камтаргина касб эгаларининг фарзандлар камоли йўлида тортган азобу машаққатларини оқлолдикми? Уларга Оллоҳдан узоқ умр, метин сиҳат-саломатлик сўрамоқдамиз. Илм гулшанининг, гул-гул фарзандлар бўстонининг ўйчан ва меҳрибон, мушфиқ ва хокисор боғбонлари — муаллимлар. Бу гўзал гулшаннинг файзу фароғати, фазлу камолоти Сизлар биландир. Бизнинг ҳам камтарона эҳтиромимиз, табригимизни қабул қилинг. Ҳаргиз дард кўрмангу юрган йўлингиздан нурлар таралаверсин, азиз устозлар!

***Сизнинг чеккан заҳмат бир кун***
***чаман бўлгай,***
***Бизнинг Ватан гўзал, тенгсиз***
***Ватан бўлгай!***

## УСТОЗЛАРГА ТАЪЗИМ

Назаримда, устозлар ва мураббийлар байрами дунёдаги энг улуғ байрамлардан биридир. Чунки аксарият одам зоти борки, бағри кенг устозга талпинади ва ҳаммамиз ҳам қайси маънодадир, кимларгадир йўл-йўриқ кўрсатиб, маслаҳат берамиз. Шунинг учун ҳам барча даврлар ва элатларда устозлар ҳамиша улуғлаб келинган. Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат Санъат институтида ўтган кеча ҳам ана шундай инсонлар — юртимизга истеъдодли санъат аҳлини етказиб берувчи санъатшунос устозларга бағишланди. Тантанали кечани институт ректори Омон Ризаев очди. У ўз сўзида юртимизнинг байрамларга бойлиги, айниқса, устозлар байрамининг нишонланишида Президентимизнинг раҳномолиги беқиёслигини алоҳида таъкидлади.

Шундан сўнг, янги ўқув йилига қабул қилинган биринчи курс талабалари қасамёд қилдилар. Талабалар қасамёдидан сўнг театрнинг юқори курс талабалари тайёрлаган катта театрлаштирилган концерт дастури намойиш этилди.

***Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш муҳандислари институти қошида фаолият кўрсатаётган лицейда 290 нафар ёш таҳсил олмоқда. Ўқувчилар билимгоҳда инглиз, француз, япон, араб тиллари билан бир қаторда иқтисод ҳамда компьютер техникасидан билим олмоқдалар.***

*СУРАТДА: лицей ҳаётидан лавҳа.*

**Н. МУҲАММАДЖОНОВ**
**суратга олган.**





## «МИКРОФОН ОЛДИДА...»

*Мангу лаҳза*

50-йиллар... Боку... Озарбойжон ёзувчиларининг қайсидир анжуманига таклиф этилган Туроб Тўла Адабиётчилар уйига яқинлашар экан, залдан Самад Вурғуннинг янгроқ овози эшитилди. Атоқли шоир «Озарбойжон, Озарбойжон» шеърини завқ-шавқ билан ўқимоқда эди. Туроб Тўла анжуман очилишига кечикибман, деган хаёл билан шиддат билан залга кирди. Аммо зал эндигина тўла бошлаган, шоирнинг овози эса магнит лентасидан баланд пардада парвоз этаётган эди. Бир зумдан кейин овоз тиниб, зални гулдурос қарсаклар ларзага келтирди. Бутун зал тик туриб, Шоирга бўлган ҳурматини изҳор этди.

Туроб Тўла бу унутилмас воқеани кўриб, 1944 йил июнининг сўнгги кунларини эслади. Ўшанда у Ҳамид Олимжоннинг «Севги» шеърини плёнкага ёзиб олаётган эди. Забардаст шоир шеърни ўқир экан, нафақат Туроб Тўланинг, балки радио уйининг ҳам қулоғи қоматга келгандек эди. Унинг беназир овози ва моҳирона ижросини эшитиб, Ғафур Ғулом билан Шайхзода остонада тик қотишган, микрофондан бир оз нарида ўтирган Уйғун билан Миртемир эса ларзакор бир ҳолатда эдилар.

Туроб Тўла Бокудаги анжуманнинг Самад Вурғун овози билан очилишини кўриб, шундай анъананинг бизда йўқлигидан ўксинди. Унинг назарида, шоирнинг тирик овозига бўлган эътибор бизда хийла сустроқдек эди. Лекин, менимча, Ўзбекистон ҳам ўзининг ажойиб радио анъаналарига эга. Бу ҳолни Туроб Тўла ва Шуҳратнинг микрофон олдида яшаган ҳаётларининг ўзиёқ тўла тасдиқлайди.

Бу икки гўзал шоирнинг ҳаёт йўлида муштарак нуқталар оз эмас. Уларнинг ҳар иккаласи 1918 йилда дунёга келган. 1944 йилнинг баҳорида эса Ёзувчилар уюшмасига қабул қилинган. Улар нафақат шу кундан, балки илк шеърлари босилган 1934-1935 йиллардан бошлаб умрларининг сўнгги кунларига қадар бирга бўлганлар. Ва улар ҳаётининг маълум бир қисми микрофон олдида кечган.

Ҳамид Олимжон нафақат туғма шоир, балки туғма нотиқ ҳам эди. У шеърий асарнинг моҳирона ижроси халққа катта таъсир ўтказиши мумкинлигини яхши билган. Шунинг учун ҳам адабий учрашувларга, шоирларнинг радио орқали чиқишларига айрича эътибор берган. Унинг маслаҳати билан ҳатто Ҳамид Ғулом ва Туроб Тўла уруш йиллари радиода дикторлик қилишган. Бу икки шоирнинг шеърий асарларида нотиқона оҳангларнинг устуворлик қилиши шундандир.

Шеърни маҳорат билан ўқишда Шуҳрат ҳам улардан қолишмаган. У иккинчи жаҳон урушининг охирларида фронтдан ярадор бўлиб қайтгач, ўзини сояга олмай, қаламкаш дўстлари билан бир сафда туриб ижод қилди. Шеъриятнинг «ўзига хос, ҳеч бир жанрда тўлдириб бўлмас завқ-шавқи, мусиқаси» унинг кўзларини тиндирди, «юрагига олам-олам қувонч нури»ни қуйди. Ва у дўсти Туроб Тўла билан бирга радио уйини қарийб тарк этмади.

Саид Аҳмаднинг дўсти Шуҳрат тўғрисидаги хотираларида бундай сатрлар бор:

«Худди ҳозиргидек эслайман. 1945 йили Ҳамид Ғулом, Шуҳрат, Туроб Тўла, Мирмуҳсинлар билан Тошкент радиосидан республика аҳлини Ғалаба байрами билан табриклаган эдик.

Ўша куни Тошкент кўчалари одамга тўлиб кетганди. Одамлар бир-бирларини қутлашарди. Бирови кулган, бирови йиғлаган, бирови энг яқин кишисидан жудо бўлган — улар мунғайиб бир чеккада мотамсаро туришарди».

Туроб Тўла ва Шуҳрат сингари шоирлар радиога ўз қалб қўрларини берибгина қолмай, радио ҳам уларга кўп нарсани берди. Радио шоир ва ёзувчиларни халқ ўртасида танитди, уларнинг қайноқ ҳаёт билан яқин алоқада бўлишларига имконият яратди, улар ижодига, асарларига қанот бағишлади. Умуман, радио ўзбек адабиётининг эл-юрт ўртасида эътибор қозониши ва муайян даражада юксалишига ўз ҳиссасини қўшди. «Диққат, микрофон олдида...» деган сўзлар билан адабиётимиз ҳар бир хонадонга дадил кириб борди.

**Наим КАРИМОВ**

## АСРИМИЗНИНГ СЎНГГИ ЙИЛИ... ОБУНАСИ

### Унга бефарқ қараманг

Азиз муштарий, яхши биласизки, ҳар бир ишнинг ўз ниҳояси бўлади. Инсоният яхши ният билан XX асрга қадам қўйган эди, мана, ҳа-ҳу демай, уни якунламоқда. Биз бугун янги, XXI аср остонасида турибмиз.

Якунлар чоғи одамлар бир-бирларига «Хўш, нимага эришдигу нимага эришмадик, нимага улгурдигу нимага улгурмадик, қаерда ютдик, қаерда ютқаздик, кимни мақтадик, кимни ўкситдик... каби саволлар беришади. Янги юз йиллик арафасида бу саволлар ҳаммамизнинг олдимизда кўндаланг турибди. Унга қадам қўйишдан аввал инсоният шу саволларга жавоб топиши, ўзининг юз йиллик фаолиятини элакдан ўтказиши (дўппини бошдан олиб, албатта!) шарт. Ютуқ ва ғалабаларнинг, нуқсону янглишишларнинг сабаблари аниқланса, илдизлари очилса, муҳокамалардан ўтказилса, нақадар яхши — биз навбатдаги юз йилликка катта ишонч ва умид билан қадам қўямиз.

**«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси — сизнинг кўпйиллик ижодий ҳамроҳингиз, асримизнинг сўнгги йилида юқорида зикр этилган саволларга, уларнинг турфа хил жавобларига жиддий эътибор беради. Бир муаллифимиз «Биз XX асрга от миниб кирган эдик, мана энди ундан пиёда чиқиб кетаётибмиз» деб ёзган эди. 2000 йилда, азиз муштарий, сизнинг ҳар бирингизга якунланаётган аср тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларингизни билдириш имконияти берилади. Айни чоғда, янги аср «кун тартиби» тўғрисида баҳс юритамиз.** Адабиёт қандай бўлади, адабий қаҳрамонлар деб кимларни танлаймиз, миллий маданий тараққиёт қай йўсинда кечади? Янги аср шеърияти, мусиқаси, фикри, маънавияти ва маърифати қай тамойилларга асосланади? Янги асрда Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни, нуфузи, эл-юрт равнақи, турмуш даражаси, ёшлар камолоти, авлодлар ворислиги қандай бўлади? Таҳририят аъзолари бугун шу ва шу каби бошқа кўплаб мавзуларда туркум мақолалар эълон қилиш, баҳс-мунозаралар ўтказиш, кўпроқ фикрий хилма-хилликка эришиш режалари устида ишламоқдалар.

**Ҳар йилгидек, 2000 йилда ҳам сизга мақбул бўлган асосий рукнларимиз сақланиб қолади. Янги бадиий асарлардан парчалар, янги шеърий туркумлар, адибларимизнинг оташин публицистик чиқишлари, куюнчак газетхонларнинг ҳароратли мактублари, бир асарнинг икки талқини, муаммолар ва уларнинг ечимларига доир ошкора мулоҳазалар — буларнинг бари газетамиз саҳифаларидан мунтазам ўрин олади.**

Асримизнинг сўнгги йилида ҳам биз билан ҳамкорлик қилишга қарор қилган муштарийлар асло ютқазмайдилар. Мўъжазгина ижодий жамоамиз аъзолари билан йил давомида сизнинг хизматингизга шай турамиз. Таклифларингиз асосида мақолалар тайёрлаймиз, сиз кўтарган муаммоларни биргаликда ўрганиш учун хизмат сафарларига отланамиз.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасига обуна бўлишни унутманг! Газета баҳоси нисбатан арзон белгиланган. Ҳар жума хонадонингизда байрам бўлишини истасангиз, бугунги кун, тарих, маънавият ва маърифат, адабиёт ва санъат тўғрисидаги фикрларингиз изчил тарошланиб боришини хоҳласангиз — обунани ўз вақтида расмийлаштиринг.

**Нашр кўрсатгичлари:**
**— якка обуначилар учун — 222**
**— ташкилотлар учун — 223**

## ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШ — УМУМДУНЁВИЙ ИШ

*Шарҳловчи минбари*

Бугун Ер юзида 6 миллиард одам истиқомат қилмоқда. Кунлар, ойлар ўтгани сари, ерликларнинг сони ҳам ошиб боради. Дунё дунё бўлиб то ҳозирга қадар бири иккинчисига айнан ўхшаш, кўриниши, дунёқараши, руҳий ҳолати айнан бир хил одам бўлган эмас. Бинобарин, 6 миллиард одам дегани — бу худди шунча тақдир, шунча дунёқараш, шунча муаммо дегани ҳамдир. Лекин, уларнинг ҳар бири, токи дунёга келган экан, яшашга, илм олишга, меҳнат қилишга, ўз меҳнати самараларидан баҳраманд бўлишга, уй-жой қуришга, узоқ-яқиндаги биродарлари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатишга, оила қуриб, фарзанд тарбияси билан шуғулланишга, эзгуликлардан завқланишга, ноҳақликларга дуч келса «нега энди» дея савол беришга ҳақли. Бу дунёда қилинаётган жамики дунёвий ишларнинг бош моҳияти — одамларга ана шу ва бошқа бир қатор ҳақларини амалда таъминлаб бериш. Ҳар бир одамнинг уйи, маҳалласи, Ватани, осмонининг тинч бўлишига эришиш, зўравонликка, қулликка, қотиллик ҳаракатларига йўл қўймаслик. Одам одамга қарата ўқ узмаслиги орзусига етиш.

Лекин, ҳаёт деганлари китобларда ёзилганидан кўра мураккаброқ. Бугун Ер юзининг жуда кўп жойларида жангарилар, босқинчилар, жиноятчи унсурлар бош кўтариб, одамларнинг тинчини бузмоқдалар, уйларидан қувғин қилмоқдалар, бутун бошли уй-жойларни ёндириб, портлатиб юбормоқдалар. Инсонийлик башарасини аллақачон йўқотган, миллат ва Ватан туйғусидан маҳрум бундай кимсалар ўз қабиҳ ниятлари йўлида ҳеч нарсадан тап тортаётганлари йўқ. Ўз уйида тинч ухлаб ётган гўдаклар, кексалар, ногиронлар уларнинг қилмишларидан ҳалок бўлмоқдалар.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг бешта доимий аъзолари яқинда бутун дунёда террор ҳаракатлари авж олаётганлигидан ташвишланиб, махсус баёнот қабул қилдилар. Баёнотда дунёнинг барча давлатларини халқаро терроризмга қарши кураш билан боғлиқ олти пунктдан иборат дастурни амалга оширишга даъват этдилар. Халқаро терроризм, Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзоларининг фикрича, «одамлар ҳаётини хавф остида қолдирмоқда, оддий фуқароларнинг тинчлигини бузмоқда, барча мамлакатларнинг тинчлиги ва хавфсизлигига таҳдид солмоқда».

Мазкур баёнотда қуйидагилар кўзда тутилади:

— ҳар бир мамлакат ўз фуқароларини халқаро терроризм хуружларидан самарали ҳимоя қилиши;

— террористик актлар ким томонидан ва қачон содир этилганига қарамай, бир-бирлари билан бундай ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида ҳамкорлик қилишлари, террор, террористик актларни содир этган жиноятчиларни жиноий жавобгарликка тортишлари;

— ўз ҳудудларида ҳар қандай террористик актларнинг тайёрланиши ва молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланишига йўл қўймасликлари;

— террористларга, террор актларини режалаштираётган, молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаётган ва бу жиноятларни амалга ошираётган жиноятчиларга сиёсий бошпана бермасликлари;

— террористик актларни содир этиш ҳаракатларининг олдини олиш мақсадида халқаро ва ички ҳуқуқ нормалари асосида ўзаро ахборотлар айирбошлаш, маъмурий ва жиноий масалаларни ҳал этиш юзасидан ҳамкорлик қилишлари;

— терроризмга қарши курашга доир халқаро конвенциялар талабларига қатъиян риоя қилишлари, бу борада халқаро ҳуқуқ режимини мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларни изчил давом эттиришлари лозим.

БМТ Хавфсизлик Кенгаши аъзоларининг фикрича, кундан кунга чуқур илдиз отиб бораётган террор ҳаракатларига қарши кураш йўлида БМТ шафелигида мамлакатларнинг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш зарур. Бундай ҳамкорлик БМТ Устави принципларига, халқаро ҳуқуқ нормаларига, жумладан инсон ҳуқуқларига риоя қилишга асосланиши зарур.

Инсоният неча асрлардан бери қонли можаролар, зўравонлик ҳаракатлари билан курашиб келади. Бугун халқаро терроризм дунёнинг жуда кўп мамлакатларида ўзининг қонли башарасини кўрсатмоқда. Бегуноҳ одамларни ўлдириш, мол-мулкларини талон-тарож қилиш, одамларни гаровга олиш каби қабиҳликлар улар учун оддий бир иш бўлиб қолди. Бундай пайтда, фақат бирлашибгина, фақат бутун куч ва имкониятларни ишга солибгина бу вабодан қутулиш мумкин. Акс ҳолда, қабул қилинаётган қарору баёнотлар самарасиз қолиб кетаверади.

**Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ**

Анвар ОБИДЖОН,
Ўзбекистон халқ шоири

# БИЗЛАР ЎТКИНЧИМИЗ, ЮРТ ЭСА МАНГУ



### ЮРТИНГНИ БОЙ ҚИЛ

Бизлар ўткинчимиз, юрт эса мангу,
Ўзингни бой қилма, юртингни бой қил.
Десанг — халқим асло кўрмасин қайғу,
Ўзингни бой қилма, юртингни бой қил.

Оламга довруқли хазина йиғсанг,
Етти пуштга етар, ё етмас, билсанг,
Ўттиз пуштим камлик кўрмасин десанг,
Ўзингни бой қилма, юртингни бой қил.

Зоти асл бойда маърифат бўлгай,
Қалбида эзгулик, орият бўлгай,
Эзгу ишнинг умри беадад бўлгай,
Ўзингни бой қилма, юртингни бой қил.

Гадолар сардори бўлганми машҳур,
Ғариб элнинг ҳатто пошшоси масрур,
Юрмоқни истасанг жаҳонда мағрур,
Ўзингни бой қилма, юртингни бой қил.

Ўлкамни ёғийлар олмасин десанг,
Топганим душманга қолмасин десанг,
Фарзандимга кишан солмасин десанг,
Ўзингни бой қилма, юртингни бой қил.

### АСҚАД ОҒА

— Ҳам шоир, ҳам файласуф...
— Насри хўброқ, сертаъсир...
— Лекин... далғов йилларда...
— Кам бундай зўр муҳаррир!

Туравердим индамай.
Бу кўчагир баҳс эди.
...Ким бўлса ҳам,
А. МУХТОР,
БУТУН эди, ШАХС эди!

* * *

Давр сурдим ҳисдан гап тўқиб,
Ҳа, ошимни роса ошадим...
Яшамадим тангридан қўрқиб,
Мен тангримни севиб яшадим!

* * *

Замон сенга турса чап,
Сен замонга боқавер.
Замонани олқишлаб,
Ўз йўлингдан оқавер.

### ҒАЗАЛ ШАКЛИДАГИ ШЕЪРЛАР

Дилбарим, кўнглим ўтида суратинг бежо жо.
Лаб аталмиш лола узра шарбатинг бежо жо.

Мен севиб алдовда қолдим, ўзгалар алдар сени,
Лаҳзалик умринг аро бу ғафлатинг бежо жо.

Зораким боққан чоғимда кўзларинг очгай чечак,
Кўзларинг чақмоғи ичра нафратинг бежо жо.

Хомтама ошиққа зулминг бир сабоқ-ибратми ё,
Бенуқус феълингда ушбу ибратинг бежо жо.

Мен учун тангрим атайлаб ҳилқатинг этмиш бино,
Дилда бу кимдир дегучи ҳайратинг бежо жо.

Беватан хор бўлмадим, ки миллатим бағримдадир,
Қисматимда минг жафою кулфатинг бежо жо.

Ўйламай отдинг ўзингни телба ишқ дарёсига,
Шоиро, жонинг ичинда журъатинг бежо жо.

* * *

Ё кўзимнинг ёши бу, янги бир дарё ё,
Ё дилим фарёди бу, булбули гўё ё.

Кўксима бир фитнакор урди ё паррон тиғ,
Қилди ёр киприкни ўқ, қошларини ё ё.

Қалбима кун ботди ё, чиқди ё ширмой ой,
Кўрганим ё тунги туш, тонгдаги рўё ё.

Бир умр кашф изладим, «Илми ишқ» қандоқ фан,
Ё илоҳий алжабр, кони сир кимё ё.

Бесамар ёндим нечун, беҳуда ёққан ким,
Топмадим ё мантиғин, бир далил-ашё ё.

Ҳеч маҳал кулмас боқиб, нега чап тақдир бу,
Ё ўзим дунёга терс, менга терс дунё ё.

* * *

Олса ором ул паринниң ҳуснига ором ром,
Уйғониб гар сажда қилса оҳига эҳром ром.

Ҳулқидан иффат уфурса ошно чин ромланиб,
Бўйлаким ҳатто рақибнинг кўзлари нором ром.

Зора ёр топсамки ёрим шу парига ўхшаса,
Бундайин покдилга кўнглим бўлмагай ғиррom ром.

То эгам ишқни яратмиш ўтни покликка қориб,
Куйди Баҳромга Дилором, ёнди шо Баҳром ром.

Сўзи бол бу ҳурга ошиқ қилса изҳор севгини,
Этса рад мароми бирла, ошиғу маром ром.

Мен яралдим шеърга шайдо, сен қоғозга, э қалам,
Мен тўқирман шеърни ром-ром, сен битарсан ром-ром.

* * * *

Назм бирла бўлиб ошно жабр саҳросидан ўтдим,
Назмга сиғмаса дардим наср саҳросидан ўтдим.

Улуғбек бирла учқурлаб самода қазмадим юлдуз,
Илошиб далли Машрабга Кабир саҳросидан ўтдим.

Киборлар базмида қўмсаб кибрсиз дўстни ёвғонин,
Чидамни ўрганиб элдан, сабр саҳросидан ўтдим.

Инграбон ҳар гиёҳ боссам, сўйлади ҳар ғубор ҳикмат,
Азизлар ҳокини топтаб қабр саҳросидан ўтдим.

Битиклар қолдию не-не салтанат елга соврилди,
Кукун бўлган неча тахту қаср саҳросидан ўтдим.

Қилай деб боғ ситам чекдим, юракдан унганин экдим,
Кўчат ушлаб йигирманчи аср саҳросидан ўтдим.

Кетарда урмасам бас оҳ, дебон келсам-да оламга,
На бир боғига гул қўшдим, на бир саҳросидан ўтдим.

Раъно ЯРАШЕВА

# «БИЗГА ДИЙДОР КЕРАК...»



* * *

*Синглим Саодатбонуга*

Биламан, қиз бола палахмон тоши,
Бирга туғилса-да ўзга йўлдоши,
Соғиндим, не қилай, энди бардошим,
Синглим, йўлларингга қараб яшайман.

Хавотир ханжардир, жонимни тилар,
Соғинчга қўшилиб садпора қилар,
Оҳ, қачон жон синглим — жаҳоним келар,
Синглим, йўлларингга қараб яшайман.

Менсиз ҳам кунларинг кулиши мумкин,
Яримта ойлар ҳам тўлиши мумкин,
Соғинчдан одамзод ўлиши мумкин,
Синглим, йўлларингга қараб яшайман.

Гарчи ўртамизда ёвлар кам эмас,
Ўчирмоқ истарлар, қуёш шам эмас,
Ёнимда турсанг бас, ғамлар ғам эмас,
Синглим, йўлларингга қараб яшайман.

Жилғадек оқсак бас, дарё керакмас,
Ёлғонлар тўйдирган, рўё керакмас,
«Бизга дийдор керак, дунё керакмас»,[1]
Синглим, йўлларингга қараб яшайман.

———
1 Юнус Эмродан.

### БИР ТОМЧИ СУВ КЕЛТИР

Ёлғиз аёл қовжираши рост,
Томир-томирлари қурийди бешак.
Эй, сен ёлғон дунё, қоқшаган оғоч.
Қилган даъволаринг гўдаксиз бешик.

Ёлғиз аёл қовжираши рост,
Гарчи у навниҳол, киприклар майса.
Эй, сен ғариб дунё, бунча кўзинг оч,
Наҳот, шаъминг ёнар ғамгин кўпайса.

Ёлғиз аёл қовжираши рост,
Бир томчи сув келтир, тўрғай тилида.
Яшнаб-гулламаса жон сенга кафил,
Қалдирғоч ин қурган маҳзун дилида.

Ёлғиз аёл, ҳаммаси бекор!
На уни зар тутар, на тожи давлат.
Дунёнг қилмай десанг харобу абгор,
Сен уни яхши кўр, яхши кўр фақат.

### ЖОН ҚИЙНАЛУР

Ишқ деган шундоқ бўлурму,
бу ширин жон қийналур,
Истаган васлинг ҳамиша
йўқдир, имкон қийналур.
Бўлса ёр Фарҳод мисол гар
жонини қўйса гаров,
Мен Шириндек бўлмасам гар,
доғи ҳижрон қийналур.
Гул ёниб, қаҳ-қаҳ отиб,
шод, ўйнагай ўртоқларим,
Менда ул лавҳи қалам
битса достон қийналур,
Сен менинг кўнгил муродимсан
вале, йўл йўқ яна...

Етмадим сарбони йўқ,
саҳрода карвон қийналур.
Гар Гули раъно эсанг яшна,
кўнгил, боғлар аро,
Интизор сенга етолмай
боғу бўстон қийналур.

### ФАРИШТАЛИ АЁЛ

*Фаридахонимга*

Ўттизида ўтин бўлмаган аёл,
Қирқида ортига қайтмайди сўзсиз,
Кимлар йиғлаб ўтар, кимдир жим ўтар,
Қирқда қайтмаганлар, кетмайди изсиз.

Уларда дард бошқа, армон ҳам бошқа,
Бошқадир дунёга қарашлари ҳам.
Сиздек меҳрибонни ёлғиз Оллоҳдан,
Тилаб олган ўзим, менинг фариштам.

Сизнинг кўзларингиз ўзгача, жоним,
Сизнинг қошларингиз сурмадек қора,
Мени кучоғига олган азизим,
Биласиз юзим ой, юрагим яра!

Опажон, ўргатинг яшамоқ нечун,
Нечун азоб чекмоқ, қийналмоқ нега?
Айтинг, бахти бекам бўлмоқлик учун
Умримни бағишлай, бош эгай кимга?

Малҳамдир сўзингиз дардли дилимга,
Ўттиздан ўтдиму ўйланиб қолдим.
Айтинг, ўтинмайми, ёнаман нечун?
Қирққа етганимда қандай бўламан?

Фариштали аёл дейдилар сизни,
Бироз қизғонаман, гарчи улар дўст.
Қўрқаман гоҳ билиб, гоҳи билмасдан,
Айтиб қўймасинлар бирор қаттиқ сўз.

Дилингизни жойлаб қароғларимга,
Дўсту душманлардан асрагим келар.
Сиздан жавоб кутиб сўроғларимга,
Қандай суйишимни Оллоҳим билар.

### КЕЛГАЙСАН

Агар ёнимга келсанг сен
Муҳаббат бирла келгайсан,
Масофат ҳеч малол келмас,
Садоқат бирла келгайсан.
Мудом ишқинг далил бўлса,
Неча чеккан фироқингга,
Келурсан излабон имкон,
Шижоат бирла келгайсан.
Тиларсан доимо шафқат
Қошимда лол, турарсан жим,
Етолмай юрганини бахт
Саодат бирла келгайсан.
Тополмай бу ёруғ олам ичинда
гарчи бисёрдир.
Шафоат айлагувчи, сен
фароғат бирла келгайсан.
Гули Раъно фироқида чекиб
ранжу маломатлар
Малол олмай яна сабру
қаноат бирла келгайсан.

# «ЕТУРМАК РОҲАТ ЭЛГА...»

*«Таъвиз ул-ошиқин»нинг янги қўлёзма нусхаси топилди*

Огаҳий таваллудининг 190 йиллигига

Тадқиқот, ахборот

Ҳозирги кунга қадар Огаҳийнинг назмий дурдоналари жамланган «Таъвиз ул-ошиқин» девонининг фанга 9та қўлёзма нусхаси маълум бўлиб, шундан бештаси Тошкентдаги, учтаси Санкт-Петербургдаги фондларда ва биттаси Тожикистон ФА Шарқшунослик институти фондида сақланмоқда. Огаҳийнинг назмий меросини манбашунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этган адабиётшунос Ф. Ғаниҳўжаев бу нусхаларни шартли равишда уч гуруҳга ажратиб, Тошкент, Санкт-Петербург нусхалари ва Душанба нусхаси деб аташни таклиф қилади, шу билан бирга ўз тадқиқотида бу нусхалар ҳақида батафсил маълумот беради.

Халқ орасида кўпроқ лирик шоир сифатида машҳур Огаҳийнинг назмий меросига қизиқиш доимо кучли бўлган ва шоир девони машҳур котиблар томонидан бир неча бор кўчирилган. Бу қўлёзма нусхалардан баъзилари ҳанузгача мухлислар қўлида сақланмоқда. Яқинда биз девоннинг яна бир ноёб, мукаммал қўлёзма нусхасини Хоразм вилояти Ҳазорасп туманида истиқомат қилувчи Раҳматуллаев Отабекнинг хонадонидан топишга муяссар бўлдик.

Мазкур қўлёзма нусха оч пушти ранг европа қоғозига икки устунда, қора сиёҳ билан чиройли настаълиқ хатида ёзилган. Саҳифалар қизил, кўк, майда қора ва зарҳал бўёқларда рамкага олинган. Сарлавҳалар қизил сиёҳда ёзилган. Саҳифалар котиб томонидан рақамланган бўлиб, унинг ҳошияларига мисралари зарҳал белги билан ажратилган форсий рубоийлар битилган. Қўлёзманинг 126, 244, 470, 477-варақларига муҳим тузатиш ва қўшимчалар киритилган. Муқоваси оч кўк рангли қалин картон қоғозидан ишланган. Ўлчови 21x28.

Қўлёзма 122-саҳифадан бошланиб, 557-саҳифада якун топган, яъни бошланиши ва охири мавжуд эмас. Шу боис унинг котиби ва кўчирилган йили номаълум. Топилманинг ҳозирда мавжуд 166-бети юқори савияда кўчирилган ва жуда яхши сақланган. Оралиқдаги баъзи варақларнинг йўқолганлиги сабабли, девон таркиби ҳақида тўла маълумот бера олмаймиз. Аммо девон икки қисмдан иборатлиги ва мукаммал нусхалардан бири эканини бемалол айтиш мумкин. Даъвомизга далил сифатида девоннинг 484-саҳифасида битилган ушбу сўзларни келтирамиз: «Дебоча ва ғазал ва мустазод ва мухаммас ва мурабба ва мусаддас ва мусамман ва муқаттеъ ва чистон ва таржеъбанд ва муаммо ва маснавийлар ва баҳри таъвил ёзилиб тамом бўлди». Шунингдек, 526-варақдаги қуйидаги хулоса ҳам муҳим аҳамиятга эга. Яъни: «Форсий ғазаллар ва мухаммаслар ва тазмин тариқасида мусамман ва мунożот ва таърихлар ёзилди. Эмди қасидалардан бошлаб ёзилур». Бу сўзлар Огаҳийга ёки девонни кўчирган котибга тегишлилигини аниқ айта олмасак-да, куллиётда шоир ижод этган мумтоз шеър турларининг деярли барчаси жамланганини аниқ айтишимиз мумкин. Жумладан, қўлёзманинг сақланиб қолган саҳифаларида Огаҳийнинг 100 ғазали (78 ўзбекча, 22 форсча), 2 мустазоди, 12 мухаммаси (7 ўзбекча, 5 форсча), 3 мусаддаси, 2 мусаммани (1 ўзбекча, 1 форсча), 1 таржеъбанди, 41 муаммоси, 5 маснавийси, 1 баҳри таъвили, 1 муножоти, 28 таърихи, 7 қасидаси мавжуд бўлиб, булар ниҳоятда нозик дид билан кўчирилган. Девонда 9та қўлёзма нусханинг ҳеч бирида учрамайдиган 8 таърих ва 1 маснавийнинг мавжудлиги Огаҳий назмий меросини янада бойитади. Булар «Аё хисрави маъдалатдастгоҳ...» деб бошланувчи маснавий (475-варақ) ва қўлёзманинг 514, 515, 521, 522, 523, 524-саҳифаларидаги таърихлардир.

Хусусан, зикр этилган 184 мисра 92 байтдан иборат маснавийнинг тўлиқ матни бу қўлёзма нусхадан ташқари, яна Баёнийнинг «Шажараий Хоразмшоҳий» асарида келтирилган. «Таъвиз ул-ошиқин» девонининг бошқа қўлёзма нусхаларида дебоча таркибида, Огаҳийнинг «Гулшани давлат» тарихий асарида эса бу маснавийдан айрим парчалар келтирилган. Айнан шу парчалардан баъзилари адабиётшуносларимиз томонидан таҳлилга тортилган.

Хуллас, «Таъвиз ул-ошиқин»нинг янги топилган бу қўлёзма нусхаси ўқишлилиги, ички таркиби, ҳуснихат ва китобат санъати жиҳатидан қимматли манба бўлиб, уни ўрганиш, бошқа қўлёзма нусхалар асосида котибини аниқлаш, кўчирилиш тарихини белгилашнинг ўзи алоҳида бир тадқиқот объекти бўлиши мумкин.

Бизни қизиқтирган масала эса қўлёзмада мавжуд мусамматлар бўлиб, девон саҳифаларида жаъми 12 мухаммас, 3 мусаддас, 2 мусамман сақланиб қолган. Мухаммаслардан ўзбек тилида ёзилган 7таси Мунис, Фузулий, Феруз, Амирий, Навоий ғазаллари асосида яратилган бўлса, форс тилидаги 5таси Бедил, Амир ва Огаҳий ғазалларига боғланган. Девоннинг 340-саҳифасидаги 9 банд 45 мисрадан иборат Муниснинг «олмон» радифли ғазалига битилган тахмиснинг бир бандида ўзлигидан огоҳ, ҳаётини имкони борича халқ мушкулини осон этиш йўлига бахш этган шоир шахсиятининг ёрқин тимсолини кўрамиз:

**Борибдур токи куйи ошиқ аро номус ила орим,**
**Баробар англамишман олам ичра йўқиму борим,**
**Етурмак роҳат элга қудратим еткунчадур корим,**
**Мулойим тийнат ўлмишман кишига йўқтур озорим**
**Агар хори раҳ ўлсам ҳам аёқға сончила олмон.**

Девоннинг 403-саҳифасида мавжуд мана бу мусамманда огаҳиёна ўзига хосликнинг, яъни маъшуқа ошиқ фазлу фазилатини тан олишининг, баён қилишининг гувоҳи бўламиз:

**Карам бирла деди: «Аё ошиқим,**
**На ошиқки, ушшоқ аро қоилким**
**Ғами ишқ давосида содиқим**
**Балоу меҳан даштида вомиқим**
**Рафиқи кухан, муниси собиқим**
**Улус ичра сансан манинг лойиқим**
**Биҳамдулиллоҳким ваҳб зу ал жалол**
**Манга рўзи этди насими висол.**

Афсуслар бўлсинким, қўлёзманинг йўқолган варақларида мухаммас қисмининг тахминан 91, мусаддас қисмининг 6, мусамман қисмининг 6, мураббаъ қисмининг 5 саҳифаси ва буларда мавжуд мусамматлар етишмайди. Бу шундан далолат берадики, демак, шоир шеъриятининг мухлислари унинг мусамматларига алоҳида қизиқиш билан қараганлар, шунинг учун ҳам айнан бу қисм кўпроқ саҳифаланган. Ҳар ҳолда бу ноёб топилмада мусамматларнинг мавжудлиги, Огаҳий бадиий меросининг таркибий қисми ҳақидаги тасаввурларимизни бойитади, муҳим хулосалар чиқаришга ёрдам беради. Бундан ташқари, унда девоннинг ҳеч бир қўлёзма нусҳасида қайд этилмаган 8 таърих (бошқа нусхаларда 20) ва 1 маснавийнинг (бошқа нусхаларда 4) мавжудлиги, балки мусамматлар ҳам бошқа қўлёзма нусхалардагига қараганда бунда кўп бўлгандир, деган тахминни илгари суришга имкон беради. Қолаверса, қўлёзма Хоразм хаттотлик мактабининг гўзал бир нусхаси, китобат санъатининг ажойиб намунаси сифатида таъриф ва тавсиф беришга арзигулик манба, маънавий меросдир.

**Гулноза ХОЛЛИЕВА,**
**Урганч Давлат университети аспиранти**

# НАВОИЙ НАФАСИДАН БАҲРАМАНДЛИК

Халқнинг маънавий-руҳий дунёсини бойитишнинг энг қудратли воситаларидан бири адабий меросимиздир. Шунинг учун ҳам истиқлолга эришган дастлабки кунларданоқ бу масалага эътибор мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилгани бежиз эмас. Улуғ шоир, таржимон ва тарихчи Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий таваллудининг 190 йиллиги халқимиз томонидан кенг миқёсда нишонланаётгани ана шу эътибор натижаларидан биридир.

Маълумки, Алишер Навоий ўзбек мумтоз адабиётини, ўз даврида юксак мавқега эга араб ҳамд ҳамда форс-тожик адабиётлари даражасига кўтарди. Бу ҳол тасодифий эмаслигини кейинчалик Заҳириддин Муҳаммад Бобур, бир неча асрдан сўнг эса Муҳаммад Ризо Огаҳий ҳар тарафлама исботладилар.

Огаҳийнинг Навоий анъаналарига содиқлиги унинг ўзбек мумтоз шеърияти жанрлари имкониятларини кенгайтиришида, образлар тизимини бойитишида, мавзулар кўламининг, ғоялар силсиласининг салмоғини оширишда кўзга ташланади. Ҳар қандай миллий адабиётнинг қудрати унинг жаҳон тан олган жанрлардаги рўёбга чиққан имкониятлари билан ҳам белгиланади. Шунинг учун ҳам Алишер Навоий мумтоз шеъриятимиз жанрлари сонини ўн олтитага етказган, бу билан адабиётимизни, хусусан, лирикамизни араб, форс-тожик ва бошқа Шарқ мамлакатлари адабиётлари билан беллаша олиш салоҳиятини оширган эди. Буни чуқур англаган Огаҳий ўзи мансуб бўлган адабий муҳит намояндаларидан бир қадам олға кетди ва ғазал, мухаммас, мураббаъ, мусаддас, маснавий, шунингдек, фард, туюқ, қитъа, рубоий, муаммо сингари жанрларда фавқулодда мумтоз намуналар яратди. Гап шундаки, фақат туркий адабиётга хос бўлган туюқ жанри, шунингдек, муаммо, чистон сингари жанрлар шоирдан чуқур билим, катта истеъдод ҳамда зукколикни талаб этади. Акс ҳолда, анъаналарга кўркўрона эргашиш мазмуннинг шаклга қурбон бўлишига олиб келади. Огаҳий ижодида эса юксак бадиий шакл теран мазмун билан ҳамиша уйғундир. Шоирнинг ўзи ҳам бу ҳақда:

**Огаҳий шеърин ўқи гар хушдил ўлмоқ истасанг**
**Ким, тараб мазмунидир жонпарвар ашъоримга хос —**

дея фахр билан таъкидлаган эди.

Алишер Навоий девон тартиб бериш борасида ҳам ўзигача бўлган анъаналарга ислоҳ киритган, замондош ҳамда келгуси авлод ижодкорлари олдига машаққатли, аммо хайрли талабларни қўйган эди. Ушбу талабларга биноан, худди эпик асарларда бўлгани сингари, девондаги ғазаллар ҳам ҳамд ва наът руҳидаги шеърлар билан бошланмоғи, араб алифбосидаги барча ҳарфларга махсус ғазал бағишланмоғи лозим эди. Натижада лирик девон ҳам шартли равишда бўлса-да, композицион яхлитлик касб этар, ўқигувчига енгиллик ва қулайлик туғдирар эди. Муҳаммад Ризо Огаҳий устозининг бу борадаги талаб ва анъаналарини ҳам изчиллик билан адо этди. Шоирнинг «Таъвиз ул-ошиқин» номли машҳур лирик девони Ҳақни танишга даъват этувчи ҳамд ҳамда орифликка ундовчи наът руҳидаги ғазаллар билан бошланади. Шундан сўнг эса ишқий, ижтимоий, фалсафий, ахлоқий шеърлар билан давом этади.

Маълум бўлишича, Алишер Навоийгача ғазал байтларининг ўзаро бир-бирига мантиқан боғланмаслиги форс-тожик адабиётида ҳам, туркий адабиётда ҳам фазилат ҳисобланган. Навоий фикрича эса, бу ҳол «муносабатдин йироқ ва мулояматдин қироқ»дир. Бу фикрни шоир ўзининг «Бадоеъул бидоя» девонига ёзган дебочасида назм билан қуйидагича ифодалаган эди:

**Ҳар ерда баҳор ўлса, чаман бўлса керак,**
**Ҳар ерда чаман — гулу саман бўлса керак.**

**Ҳар қайда хазон бўлса, тикан бўлса керак,**
**Ҳар қайда тикан — ранжу яткан бўлса керак.**

Алишер Навоийнинг ана шу ижодий талабини Огаҳий ҳар бир шеърида изчил амалга оширган. Бу эса шеърнинг ягона мавзуни акс эттириши, шоир назарда тутган ғоявий асослар ўқувчига тўла етиб бориши, бадиий-эстетик завқни кучайтириши сингари бир қанча омилларни тўла амалга оширган. Шу билан бирга, ғазалларнинг матлаъсида баён қилинган фикрнинг то мақтаъгача тадрижий ривожланишини таъминлаган. Огаҳий шеърияти билан синчиклаб танишар эканмиз, унинг ижодига хос бу хислат шоир ижодий фаолиятида бир умр давом этганлигига амин бўламиз.

Навоий ва Огаҳий ижодий муносабатлари ҳақида сўз кетганда яна бир асосий хусусиятга урғу бермоқ даркор. Ҳар икки улуғ шоирларимиз бадиий ижодни ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг кўзгуси деб билганлар. Шунинг учун ҳам улар гоҳ сатира тиғи билан мавжуд тузумдаги нуқсон ва иллатларни фош этганлар, гоҳ орифона, баъзан ижтимоий-фалсафий руҳдаги байтлари билан воқеликка муносабат билдирганлар. Ҳақиқий сўз санъаткорлари қалбларини халқ дардлари, орзу-армонлари минбарига айлантирганлар. Шу йўл билан ўз қаламларига мансуб асарларнинг халқчиллиги, замонавийлиги, умрбоқийлигини таъминлаганлар. Устод мутафаккир, улуғ шоир Алишер Навоий ва унинг истеъдодли, ҳароратли шогирди Муҳаммад Ризо Огаҳийлар ижодиёти шу жиҳатдан ҳам ҳар бир авлоднинг йўлдоши ва қўлдоши бўлиб қолаверади.

**Ҳабибулло ЖЎРАЕВ,**
**Фарғона давлат университети ўзбек адабиётшунослиги кафедраси доценти, филология фанлари номзоди**

